

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВ ОЙБЕК АБДУМУТАЛОВИЧ

**ОЛИБ ҚЎЙИЛМАЙДИГАН ОРТОДОНТИК АППАРАТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИЛГАН БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК
ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy
(PhD)**

Пулатов Ойбек Абдумуталович

Олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланилган
болаларда стоматологик профилактика тизимининг самарадорлиги 3

Пулатов Ойбек Абдумуталович

Эффективность системы стоматологической профилактики у детей при
применении несъёмных ортодонтических аппаратов 29

Pulatov Oybek Abdumutalovich

Effectiveness of the dental caries prophylaxis system in children with the
usage of non-removable orthodontic devices 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВ ОЙБЕК АБДУМУТАЛОВИЧ

**ОЛИБ ҚЎЙИЛМАЙДИГАН ОРТОДОНТИК АППАРАТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИЛГАН БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК
ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib499 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.sammi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Даминова Шахноза Бадриддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдувакылов Жаҳонгир Убайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тоқан тиббиёт маркази (Япония)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4078) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: : 140100, Самарқанд ш., Амир темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июнда тарқатилди.
(2021 йил «16» июнда даги 20 рақамли реестр баённомаси).



Ж. А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, турли мамлакатларда тиш кариеси билан касалланиш 80% дан 98% гача учрайди. Сўнгги йигирма йилда, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар орасида касалланиш тенденцияси ошиб бориши кузатилди ва 6-7 ёшга келиб болаларнинг 80-90% да ҳар хил кўринишдаги тиш кариес касалликлари мавжудлиги аниқланди. Тиш кариеси келиб чиқишида пародонт касалликларининг этиологияси ва патогенези ҳақидаги бир қатор илмий тушунчалар уларнинг табиатини аниқлашнинг муаммоли эканлигини тасдиқлайди ва "...уларнинг оғиз бўшлиғининг биологик ва гигиеник ҳолати, иммунологик қаршилик даражаси билан бевосита боғлиқ..."лигини кўрсатади.¹ Болалар орасида пародонт тўқимаси касалликлари ва тиш қаттиқ тўқималари кариесининг тарқалиши, даволашнинг жиддийлиги ва радикал усулларининг йўқлиги, шунингдек ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш учун мавжуд тизимнинг етарли даражада самарали эмаслиги эрта ташхис қўйишнинг инновацион технология ва усулларига ёндашиб ишлаш заруратини туғдиради.

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб илмий тадқиқотлар болаларда олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратларни қўлланилиш масалаларига қаратилган. Шу билан бирга, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, қатор гуруҳларда текширилган болаларда турли сабаблар кўрсатиб ўтилган ва шу сабабли ушбу ҳолатни олдини олиш масалалари тўлиқ ёритилмаган. Амалга оширилган бир қатор илмий ишлар, ортодонтик аппаратлар билан даволаш оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ёмонлашиши ва нормал микрофлоранинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши оқибатида кариес жараёнини фаоллашиши ва пародонт тўқималарида яллиғланишнинг ривожланишига олиб келиши кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, стоматологик касалликлар мавжуд болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "... Тиббий хизматнинг самарадорлиги, сифати ва фойдаланиш имкониятини ошириш, ёрдам бериш, соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш..."² каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар замонавий тиббий ёрдам даражасини ошириш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун

¹ЖССТ маълумотига кўра, 2014.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли фармони.

замонавий технологиялардан фойдаланиш каби чуқур илмий изланишларнинг асосий меъзони бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрда ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий стоматологияда нафақат тиш-жағ тизими аномалиялари тарқалишининг тенденцияси (Токаревич И.В. ва муаллифлар, Ишмуратова А.Ф., 2011; Кузмина Е.М., 2016), балки тишларининг ҳолатини тузатмоқчи бўлган беморлар сони ҳам кўпаймоқда. Шу билан бирга, олинмайдиган ортодонтик аппаратлар, (брекет тизими) дан фойдаланиш туфайли тиш-жағ тизими аномалияларини даволаш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Бироқ, брекет тизимидан фойдаланишнинг афзалликларига қарамай, ушбу даволаш тури, оғиз бўшлиғини ўз-ўзини тозалашнинг бузилишига ва натижада тиш кариеси ва пародонт тўқималарида яллиғланиш пайдо бўлишига олиб келади. (Сампиев А.Т., 2005), Ортодонтик даволаниш вақтида ва ундан кейин келиб чиқадиган асоратларнинг энг кенг тарқалган тури - бу тиш қаттиқ тўқималарининг деминерализацияси бўлиб қолмоқда (Слабковская А.Б., Картон Е.А., Репина Т.В., Дробышева Н.С., 2017).

Тиш-жағ тизими аномалияларини олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар билан комплекс терапевтик даволашни ривожлантириш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида ўрганилган. Бу ҳолатларни ўрганишга ҳаракатлар бир неча марта дунёнинг турли мамлакатларидаги тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган (Образцова Ю.Л., Юшманова Т.Н., Персина Л.С., 2015). Ҳозирги кунда МДХ давлатларида 50 - 80% да, бизнинг республикамизда эса 48-62% гача бўлган болалар ва ўсмирларда тиш-жағ тизими аномалиялари кузатилмоқда (Оспановой Г.Б., Медведева Ю.Э., Муртазаев С.С., 2017).

Шундай қилиб, муаллифлар маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, замонавий ортодонтик амалиётда брекет тизими тишларнинг юзасига кўпинча турли хил адгезив материаллардан фойдаланиб ўрнатилади. Шу билан бирга, ушбу адгезив тизимларнинг каттиқ тиш тўқималари деминерализациясини олдини олиш учун ишлатиладиган препаратларнинг ўзаро таъсири етарлича ҳозирги кунгача ўрганилмаган. Ортодонтик муолажа даврида ва ундан кейинги даволанишдан фойдаланувчи болалар учун мавжуд бўлган профилактик, кальций ва фторидларни ўз ичига олган воситаларни танлаб олиш масалалари тўлиқ қамраб олинмаган.

Мамлакатимизда олинмайдиган ортодонтик аппаратларни қўллашда стоматологик касалликларни олдини олиш масалалари борасида эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу муаммо бўйича ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 9108-рақамли «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекция ва ноинфекцион этиологияли инсон касалликларини олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2019-2023) мавзусидаги хўжалик илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиш қатори аномалиялари мавжуд болаларда брекет тизимини ўрнатишда «BC-Plus» ва «U-Bond» адгезив материалларининг паст кариесоген самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ортодонтик даволанишдаги 13-18 ёшдаги болаларда тиш кариесининг тарқалиши ва интенсивлигини ва унинг бошланғич шаклларини аниқлаш;

ортодонтик даволаш ва даволашдан кейинги вақтда болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасини тавсифлаш;

болаларда брекет тизимини ўрнатишда тиш эмалига кислотали «BC Plus» ва кислотасиз «U-Bond» адгезив материаллари қўлланилишининг таққосий баҳолаш;

брекет тизимини ўрнатиш учун турли адгезив материаллар қўлланилишида «R.O.C.S. Medical Minerals» ва «R.O.C.S. PRO» профилактик воситаларининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

олинмайдиган ортодонтик аппаратлар қўлланилган болаларда сўлак рН кўрсаткичи ва ишқорий фосфатаза фаоллигини аниқлаш;

болаларда олинмайдиган ортодонтик аппаратлар қўллаш даврида сўлак, қон ва тиш тўқимаси минерал таркибидаги ўзгаришлар динамикасини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клиникасида даволанган турли тиш қатори аномалиялари мавжуд 13-18 ёшдаги 124 та бола, шулардан ўғил болалар 63

нафарни ва қиз болалар 61 нафарни ташкил этди, назорат гуруҳи сифатида 71 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини доимий тишлар, гигиена воситалари, брекет тизими ва оғиз суяқлиги (сўлак) материаллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун қуйидаги: клиник-стоматологик, биокимёвий, электрорадиологик (нейтрон - активация) ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

13-18 ёшли болаларни ортодонтик даволашда, тиш қаттиқ тўқимасининг кариес билан зарарланишида 37% ли ортофосфор кислота таркибли адгезивдан фойдаланилганда, доғ босқичидаги бошланғич кариес шакллари учраши исботланган;

болаларда ортодонтик даволашнинг турли босқичларида тиш қаттиқ тўқимаси, қон ва сўлакнинг микро-макроэлементар таркибини аниқлашда электрорадиологик (нейтронни фаоллаштириш) усулининг ишлатилиши илмий асосланган;

болаларда ортодонтик даволашнинг турли босқичларида тиш қаттиқ тўқималари деминерализацияси, пародонт тўқимаси ва оғиз бўшлиғининг гигиенаси ҳолатидаги ўзгаришлар динамикасининг ўзига хослиги асосланган;

болаларда ортодонтик, брекет тизими ёрдамида даволаш самарадорлигини назорат қилишда оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати, реминерализацияловчи геллар ва фторловчи дори воситаларининг комплекс қўллаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

терапевтик стоматология йўналишида фойдаланиш учун таклиф этилаётган адгезив материални ортодонтик стоматология амалиётига тадбиқ этилиши асосланган;

болаларда ортодонтик даволашнинг турли босқичларида тўқималар кесимида микро-макроэлементар таркибни электрорадиологик (нейтронни фаоллаштириш) усулидан фойдаланиш илмий-амалий асосланган;

болаларда ортодонтик, брекет тизими ёрдамида даволаниш вақтида ва даврдан кейин келиб чиқадиган тиш қаттиқ тўқимаси деминерализацияси, тиш кариеси профилактикасида таклиф этилаётган адгезив моддаси стоматолог ортодонтнинг амалиётида кенг қўлланилиши аниқланган;

беморларда даволашдан олдин ва кейинги даврда таклиф этилаётган терапевтик ва профилактик тиш гели ҳамда махсус тиш чўткасидан фойдаланиш пародонт тўқимасини яллиғланиш касалликларини ривожланиш хавфини камайтириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий услублар ва ёндашувларнинг тўғрилиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, текширилган болалар сонининг етарлилиги, тиббий-статистик материалларнинг клиник, биокимёвий усуллар бўйича асосланганлиги, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар фикрлари билан

таққосланганлиги, олинган хулосаларни, натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинмайдиган ортодонтик аппаратлар, жумладан брекет тизимини қўллашда кариес касаллигини олдини олиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тишлар нуқсонларини даволашда брекет тизимидан фойдаланилганда профилактик жараёнларни такомиллаштириш, реабилитация тактикасини белгилашга имконият яратади ва ўз навбатида, ушбу болаларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ортодонтида «UBond» адгезив материални комплекс профилактик воситалар «R.O.C.S.PRO» тиш чўткаси ҳамда «R.O.C.S. Medical Minerals» тиш гели билан биргаликда қўлланилишининг самарадорлигини баҳолашнинг илмий натижалари асосида:

тиш эмали бутунлигини сақлаб қолиш билан давони амалга ошириш учун таклиф этилган воситаларни қўллашга таяниб "Ортодонтик даволаниш вақтида болаларда профессионал оғиз бўшлиғи гигиенасини такомиллаштириш" мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4-ноябрдаги 8н-р/292 сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада таклиф этилган «U-Bond» адгезив материални ва «R.O.C.S. PRO» тиш чўткасининг тиш эмалининг яхлитлигини бузилишини олдини олиш, ортодонтида даволаниш муддатини қисқартиришга ва бемор болаларнинг шифокорга ташриф сонини камайтириш имконини берган;

Даволаниш вақтининг узоклиги натижасида келиб чиқадиган касаллик асоратларини олдини олишга асосланиб “Олиб қўйилмайдиган ортодонтик воситалардан фойдаланилган болаларда тиш кариеси профилактикаси” мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4-ноябрдаги 8н-р/293 сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада стоматологияда тиш кариеси профилактика муолажаларининг самарадорлигини оширишда, узок муддат брекет тизимидан фойдаланган болалар ва ўсмирларда доғ босқичидаги кариес каби асоратлар сонини камайтириши тўғрисида назарий ва амалий стоматология учун кенг имкониятлар берган;

услубий тавсиялар амалий тиббиётга, жумладан Самарқанд вилоят стоматологик поликлиникаси, ДУК 1 – Стоматология поликлиникаси ва ДУК республика стоматология поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9-октябрдаги 8н-д/165 сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалга ошириш 48-62% ҳолларда ортодонтик даволашни ижобий натижаларини яхшилаш имконини берди. Терапевтик стоматология йўналишида фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган «U-Bond» адгезив материални комплекс профилактик воситалар билан

фойдаланишда, ортодонтик стоматология амалиётига тадбиқ этилиши ва бу воситаларни амалиётда қўллаш орқали барча Республикамизда брекет тизимидан фойдаланган беморларда тиш кариесини тарқалишини 2 маротабага камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартирмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, ЎзР Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ортодонтик даволаниш вақтида ва аппаратни олингандан кейинги стоматологик касалликлар хавфи**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи тақдим этилган, у ерда маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг тишларни ва тиш қаторларини ортодонтик даволаниш вақтида ва аппаратни олгандан кейинги стоматологик касалликлар хавфи, турли биокимёвий кўрсаткичларнинг патогенетик роли ва стоматологик касалликларни даволаш ва профилактикаси тўғрисидаги илмий-амалий маълумотлари таҳлил қилинган. Касалликнинг олдини олиш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиниб, муаммонинг ечимини топган ва ўз ечимини топиши керак бўлган мезонлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Текширилган болаларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида асосий материаллар ва тадқиқот усуллари баён қилинган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун Тошкент давлат стоматология институти Терапевтик стоматология йўналишида малака ошириш кафедраси базасида клиник-лаборатория ишлари олиб борилди. Ушбу тадқиқотни ўтказиш учун қўлланилган адгезив материалга ва ишлатиладиган оғиз бўшлиғи гигиена воситаларига қараб, болалар 2 гуруҳга бўлинди. Барча

гурух беморларида клиник-стоматологик текширувлар амалга оширилди ва оғиз бўшлиғи санациясига муҳтож бўлган болалар тадқиқотларга киритилмади.

1 гурух (назорат гуруҳи) - брекети тизимини қотириш учун ишлатилган адгезив материал сифатида “BC- Plus” икки компонентли адгезив 5 - авлод (Vericom) (Корея) - 71 та бола, шундан 29 болада гигиеник восита сифатида фторидли тиш пастаси (1А), 20 та бола фторидли тиш пастаси + «R.O.C.S. Medical Minerals» (1В) ва 22 болада фторидли тиш пастаси + «R.O.C.S. Medical Minerals» гель + «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўтка қўлланилди (1С);

2 гурух (асосий гурух) - брекети тизимини қотириш учун ишлатилган адгезив материал сифатида “U-Bond” 7 - авлод кислота таъсирсиз бир компонентли адгезив (Vericom) (Корея) - 53 та бола, шундан 2А - кичик гурух - 20 та болада гигиеник восита сифатида фторидли тиш пастаси, 2В - 17 та болада фторидли тиш пастаси + «R.O.C.S. Medical Minerals» ва 2С - 16 та болада фторидли тиш пастаси + «R.O.C.S. Medical Minerals» гель + «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўтка қўлланилди.

Турли хил профилактик воситаларнинг сўлак рН-муҳит кўрсаткичига таъсири “BFRL-220” (Хитой) рН-метри ёрдамида аниқланди.

Тиш, сўлак ва қоннинг минерал таркибини ўрганиш ЎзР ФА Ядро физикаси институти лабораториясида электрорадиологик нейтрон активация усулида амалга оширилди.

Олинган натижалар Стьюдент мезони бўйича вариацион статистика усулида Statistica 8.0 компьютер дастурида амалга оширилди. Бунда ўртача арифметик қиймат «М», ўртача арифметик қиймат хатолиги «m» ҳисобланди. Фарқлар ишончлилиги «t» коэффициенти (Стьюдент мезони) $p < 0,05$ миқдорларида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи **“Ортодонтик даволанишга муҳтож беморларда стоматологик текширув натижалари ва даволаш самарадорлигини баҳолаш”** бобида олиб қўйилмайдиган аппаратлар ёрдамида ортодонтик даволанган болаларда ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирларини самарадорлигини баҳоланган.

Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу болаларда кариес тарқалиш интенсивлиги ўртача $2,91 \pm 0,03$ бўлганда тиш кариесининг тарқалиши кўрсаткичи 37,1% га тенг бўлди.

КПУ (t) индексини белгилашда деминерализация ўчоқлари (оқ ёки пигментли доғлар) кўринишидаги тиш кариесининг дастлабки шакллари ҳисобга олинмаганлиги сабабли, биз тишларнинг деминерализацияга учраган соҳалари, ўчоқлари мавжудлигини алоҳида баҳоладик.

Брекети тизими билан даволаш вақтида болаларда деминерализация ўчоқларининг ўртача сони $0,44 \pm 0,18$ ни ташкил қилди. 1А-кичик гуруҳида даволаниш вақтида 5 - авлод икки компонентли адгезив воситаси “BC - Plus” га ўрнатилган олиб қўйилмайдиган аппаратларга эга болаларда деминерализация ўчоқларининг ўртача сони $0,21 \pm 0,09$, 1В- кичик гуруҳида - $0,6 \pm 0,15$, ва 1С-кичик гуруҳларида - $0,27 \pm 0,10$ тенг бўлди.

2А кичик гуруҳида олиб қўйилмайдиган аппаратларга эга болаларда даволаниш вақтида 7 - авлод кислота таъсирсиз бир компонентли адгезив “U-Bond”дан фойдаланилганда деминерализация ўчоқларининг ўртача сони $0,25 \pm 0,10$, 2В- кичик гуруҳида - $0,53 \pm 0,12$, ва 2С- кичик гуруҳида - $0,75 \pm 0,19$ га тенг бўлди.

Ортодонтик даволаниш даврида болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси қониқарли деб баҳоланди, РНР индексининг ўртача қиймати $0,77 \pm 0,08$ га тенг бўлди.

Икки компонентли адгезив 5 авлод “BC – Plus” билан фойдаланилган болаларда ортодонтик даволаниш жараёнида РНР гигиена кўрсаткичи $0,79 \pm 0,08$ ни ташкил этди. Шу билан бирга, 1А- кичик гуруҳидаги болаларда ушбу индексининг қиймати $0,52 \pm 0,09$, 1В- кичик гуруҳидаги болаларда - $0,92 \pm 0,07$, 1С- кичик гуруҳининг болаларида эса - $1,00 \pm 0,22$ ни ташкил этди.

Кислота таъсирсиз 7 - авлод “U-Bond” бир компонентли адгезив воситасидан фойдаланилганда РНР индексининг қиймати $0,75 \pm 0,08$ га тенг бўлган бўлса, 2А кичик гуруҳида $0,83 \pm 0,12$, 2В- кичик гуруҳида - $0,83 \pm 0,13$, 2С- кичик гуруҳида эса $0,59 \pm 0,12$ ни ташкил этди.

Ортодонтик даволанишнинг дастлабки икки ойи давомида болаларнинг ҳеч бирида тиш атрофи юмшоқ тўқимаси, пародонт касаллиги қайд этилмади ва РМА индекси 0 га тенг бўлди.

Сўровнома ёрдамида олиб қўйилмайдиган аппаратлар, брекет тизимидан фойдаланган болалар томонидан олиб борилаётган индивидуал профилактика чоралари ва уларнинг парҳези тўғрисида маълумотлар олинди.

Сўровномадан ўтган болаларнинг аксарияти ($76,61 \pm 0,77\%$) кунига 2 маротаба тишларини ювишлари, болаларнинг $15,32 \pm 0,15\%$ индивидуал оғиз бўшлиғи гигиенасини кунига 3-4 маротаба ва $8,06 \pm 0,08\%$ - кунига 1 маротаба ўтказишлари аниқланди. Сўровномада қатнашганларнинг $74,19 \pm 0,75\%$ оғиз бўшлиғи гигиенаси учун кўшимча воситалардан фойдаланмасликлари ва фақат $25,81 \pm 0,26\%$ тишларни тозалаш учун электр тиш чўтқаси, ирригатор ёки тил чўтқаларидан фойдаланишларини айтишган. Болаларнинг $37,10 \pm 0,37\%$ кичик чўтқа, тиш тозалаш иплари ва оғиз чайиш воситаларидан фойдаланганлар. Сақичдан фойдаланиш, сўралганларнинг $62,90 \pm 0,63\%$ да ишлатилган.

Сўровномадан ўтган болаларнинг аксарияти - $74,19 \pm 0,75\%$ кунига 3 маротаба, $7,26 \pm 0,07\%$ - 2 марта, $18,55 \pm 0,19\%$ - кунига 4 марта овқатланишларини таъкидлашган. Болаларнинг $65,32 \pm 0,66\%$ асосий овқатланиш оралиғида кунига 1-2 маротаба, $15,32 \pm 0,15\%$ - кунига 3 марта ва $19,35 \pm 0,19$ камдан-кам ҳолларда тамадди қилишади. Болаларнинг $83,87 \pm 0,38\%$ кўп миқдордаги ширинликларни истеъмол қилишга, $40,74 \pm 0,41\%$ - ширин газланган ичимликларни тез-тез истеъмол қилишга, $25,81 \pm 0,26\%$ - кўп миқдордаги юмшоқ овқатни истеъмол қилишга мойиллиги аниқланди. Сўровнома қилинганларнинг атиги $7,26 \pm 0,07\%$ шакар ўрнини босувчи, углевод тутувчи ширинликлардан фойдаланишларини айтишган. Болаларнинг сут ва сут маҳсулотларини $22,58 \pm 0,23\%$ ушбу маҳсулотларни

камдан-кам ҳолларда қабул қилишлари, $70,16 \pm 0,71\%$ - тез-тез қабул қилишлари ва $7,26 \pm 0,07\%$ сут махсулотларини организм томонидан кўтара олмаслик ҳолатлари кузатилган.

Биз сўровномадан фойдаланган ҳолда олинган жавобларни ва РНР, КПУ(т) кўрсаткичларини таққосладик.

Кунига 1 маротаба шахсий оғиз бўшлиғи гигиенасини ўтказадиган болаларда РНР индекси $0,7 \pm 0,01$ ташкил этди, индивидуал оғиз бўшлиғи гигиенасини ўтказадиган болаларда бу қониқарли индекс кўрсаткичи ҳисобланади.

Кунига 2 маротаба шахсий оғиз бўшлиғи гигиенасини ўтказадиган болаларда индекс, $1,12 \pm 0,01$, бу қониқарли гигиена талабларига жавоб беради ва кунига 3-4 марта тишларини юваётган болаларда РНР индексининг қиймати $1,07 \pm 0,01$ ни ташкил этди, бу ҳам қониқарли гигиена даражасига тўғри келди.

Кунига 1, 2 ва 3-4 марта индивидуал оғиз бўшлиғи гигиенасини ўтказадиган болаларда КПУ(т) индексининг қиймати мос равишда $2,70 \pm 0,02$; $3,50 \pm 0,03$ ва $2,40 \pm 0,02$ ни ташкил этди.

Оғиз бўшлиғи гигиенаси учун кўшимча воситаларни қўллаган болаларда РНР индексининг қиймати $1,06 \pm 0,01$, тишни тозалаш учун электр тиш чўткаси, ирригатор ва оддий чўтқадан фойдаланмаган болаларда - $1,30 \pm 0,01$. Оғиз бўшлиғи гигиенаси учун кўшимча воситаларни ишлатган ва ишлатмаган болаларда КПУ(т) индекси мос равишда $2,10 \pm 0,02$ ва $3,6 \pm 0,04$ ни ташкил этди.

Кичик чўтқалар ва тиш ипларини ишлатган болаларда РНР ва КПУ(т) кўрсаткичлари мос равишда $0,98 \pm 0,01$ ва $3,25 \pm 0,03$ ни ташкил этди ва кичик чўтқалар ва тиш ипларини ишлатмаган болаларда эса қуйидаги кўрсаткичлар кузатилди $1,09 \pm 0,01$ ва $2,06 \pm 0,02$.

Оғиз бўшлиғини чайиш воситасини ишлатган ва ишлатмаган болаларда РНР индексининг қиймати мос равишда $1,03 \pm 0,01$ ва $1,20 \pm 0,01$ ни ташкил этди ва шу болаларда КПУ(т) индексининг қиймати мос равишда $2,12 \pm 0,02$ ва $4,0 \pm 0,04$ га тенг бўлди.

Доимий сақич чайнаган болаларда РНР ва КПУ(т) кўрсаткичлари $1,30 \pm 0,01$ ва $3,36 \pm 0,03$, ушбу кўрсаткичларнинг қиймати сақич чайнамаган болалардан фарқли ўлароқ $0,94 \pm 0,01$ ва $2,33 \pm 0,02$ га тенг эди.

Овқатланиш одати кунига 1 марта бўлган болаларда РНР индекси $1,10 \pm 0,01$, кунига 2 марта бўлганда - $1,12 \pm 0,01$ ва кунига 3 марта бўлганда - $1,83 \pm 0,02$. Кунига бир маротаба овқатланадиган болаларда КПУ(т) индекси $2,75 \pm 0,03$, кунига 2 марта овқатланадиганларда - $2,29 \pm 0,02$ ва кунига 3 маротаба бўлганда - $1,3 \pm 0,01$ ни ташкил этди.

Асосий овқатланиш оралиғида камдан-кам ҳолларда озиқ-овқат истеъмол қилган болаларда РНР индекси $0,8 \pm 0,02$ ни ташкил этди. Кунига 1 ва 2-3 марта овқатланиш оралиғида тамадди қилган болаларда бу кўрсаткич мос равишда $1,39 \pm 0,01$ ва $0,83 \pm 0,01$ га тенг бўлди.

Асосий овқатлар орасида овқатланмаган болаларда КПУ(т)индексининг қиймати $3,25 \pm 0,03$ ни ташкил этди, кунига 1 мартадан 2-3 марта КПУ(т) кўрсаткичи мос равишда асосий овқатланиш оралиғида овқат истеъмол қилган болаларда эса $2,94 \pm 0,03\%$ ва $1,67 \pm 0,02$ ни ташкил этди.

Овқатланиш рационалида кўп миқдордаги ширин озиқ-овқат истеъмол қиладиган болаларда РНР индексининг қиймати $1,20 \pm 0,01$ ни ташкил этди, бу саволга салбий жавоб берган болалардан фаркли ўлароқ РНР индексининг қиймати $1,19 \pm 0,01$ бўлган. Кўп миқдорда ширин таом истеъмол қилувчи ва ширинлик истеъмол қилмайдиган болаларда КПУ(т) индекси мос равишда $3,71 \pm 0,04$ ва $2,50 \pm 0,03$ ни ташкил этди.

Кўпинча ширин таъмли газли ичимликларни истеъмол қиладиган болаларда РНР ва КПУ (т) индексларининг қиймати мос равишда $1,12 \pm 0,01$ ва $2,60 \pm 0,02$ ни ташкил этди ва шу каби газланган ичимликларни истеъмол қилмаган болаларда мос равишда қуйидаги хил кўрсаткичларнинг қиймати аниқланди - $1,18 \pm 0,01$ ва $3,67 \pm 0,03$.

Овқатланиш рационалида кўп миқдордаги юмшоқ озиқ-овқат истеъмол қилган болаларда РНР индексининг қиймати $1,32 \pm 0,01$ ни ташкил этди, бу саволга салбий жавоб берган болалардан фаркли ўлароқ, РНР индексининг қиймати $1,04 \pm 0,01$ бўлган. Кўп миқдорда юмшоқ овқат истеъмол қилган ва истеъмол қилмаган болаларда КПУ(т) индекси мос равишда $2,63 \pm 0,03$ ва $3,0 \pm 0,03$ ни ташкил этди.

Овқатланишда шакар ўрнини босувчи воситаларни ишлатган ва ишлатмаган болаларда РНР индексининг қиймати мос равишда $1,25 \pm 0,01$ ва $1,24 \pm 0,01$ ни ташкил этди ва шу болаларда КПУ(т) кўрсаткичи мос равишда $2,5 \pm 0,03$ ва $2,48 \pm 0,03$ ни ташкил этди.

Сўровномада билдирилган сут ва сут маҳсулотларига нисбатан мурасизлик мавжуд бўлган болаларда РНР ва КПУ(т) кўрсаткичлари мос равишда $1,02 \pm 0,01$ ва $3,0 \pm 0,03$ ни ташкил этди. Овқатланиш рационалида сут ва сут маҳсулотларини камдан-кам истеъмол қиладиган болаларда РНР ва КПУ(т) кўрсаткичлари мос равишда $1,39 \pm 0,01$ ва $3,67 \pm 0,03$ ни ташкил этди. Кўпинча сут, пишлоқ, кефир ва бошқа сут ва ферментланган сут маҳсулотларини истеъмол қиладиган болаларда шу индексларнинг қиймати $1,13 \pm 0,01$ ва $3,83 \pm 0,03$ ни ташкил этди.

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин. РНР индексининг қиймати қуйидагиларга деярли боғлиқ бўлмади: индивидуал оғиз бўшлиғи гигиенаси давомийлиги, кўп миқдорда ширинликлар ва ширин газли ичимликлар истеъмол қилиш, шунингдек шакар ўрнини босувчи, углевод тутувчи ширинликлардан истеъмол қилиш, ҳамда сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш. «R.O.C.S. PRO»тиш чўткалари, ирригатор, тил чўткалари, кичик чўткалар ва тиш ипларини ишлатадиган болаларнинг оғиз чайиш воситаларидан фойдаланиши, сақич чайнамаслиги, кунига икки марта овқатланиши, овқатланиш ўртасида камдан-кам тамадди қилувчи ва кўп миқдорда юмшоқ овқат истеъмол қилмайдиган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси энг яхши кўрсаткичларга эга бўлди.

Шундай қилиб, оғиз бўшлиғи гигиена даражаси сифатига, унинг давомийлигига ва болаларнинг овқатланиш рационага боғлиқ эмас деб ҳисобланди.

КПУ(т) индексининг қиймати деярли: шакар ўрнини босадиган воситаларини, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишга боғлиқ эмаслиги аниқланди. Индивидуал гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда кунига 3-4 марта «R.O.C.S. PRO» тиш чўткаларидан фойдаланган болаларда, ирригатор, тил ва оғиз бўшлиғи чайиш учун воситалар, тиш кичик чўткалардан ва сақичлардан фойдаланмасдан, овқатни 4 марта истеъмол қиладиган, кунига 3 ёки ундан кўп марта тамадди қилувчи, кўп миқдордаги ширин таомларни истеъмол қилмайдиган, лекин ширин газланган ичимликлар ва кўп миқдордаги юмшоқ овқатлар истеъмол қиладиган болаларда ушбу индекснинг паст кўрсаткичи кузатилди.

Қўшимча тадқиқот усуллари сифатида сўлакнинг рН – мухитини ва сўлакдаги ферментлар миқдорини аниқлаш бўлди.

Олинган натижаларни кўрсатишича, 1-гуруҳда сўлакнинг ўртача рН – мухити даражаси $5,63 \pm 0,10$; 1А-кичик гуруҳда эса $4,97 \pm 0,15$; 1В-кичик гуруҳда $5,77 \pm 0,35$; 1С-гуруҳида эса $6,17 \pm 0,32$ га тенг натижалар кузатилди. 2-гуруҳда ушбу кўрсаткич ўртача $7,21 \pm 0,10$; 2А- кичик гуруҳида $7,33 \pm 0,38$; 2В- гуруҳида $6,89 \pm 0,42$; ва 2С- гуруҳида $7,42 \pm 0,48$ натижалар аниқланди.

2 гуруҳ барча беморларида брекет тизими «U-Bond» адгезив материали билан қотирилганда, сўлакдаги рН – мухитини ўрганишда, аппаратлар олиб ташланиб 2 ой ўтгач мухитнинг кучсиз кислоталик бўлиши ва 6 ойлик профилактик муолажалардан сўнг кучсиз ишқорий мухитга ўзгариши кузатилиб, 1 гуруҳда эса даволаш вақтида ва профилактик муолажалар тугагунга қадар мухитнинг аста –секин кўтарилишини кузатдик ва олинган натижалар 1 гуруҳ беморларида мухит кўрсаткичларининг нормаллашувига қарамай ўртача кўрсаткич кучсиз кислоталик яъни $5,63 \pm 0,10$ ни ташкил этди.

Биосубстратлар (қон, сўлак ва тиш) элемент таркибини ўрганишда уларнинг миқдорий ва сифатий жihatдан ўзига хослиги аниқланди (1-жадвал).

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, тиш ва сочларнинг элемент таркиби нафақат инсон организми умумий элемент таркиби тўғрисида маълумот бериб қолмасдан, балки у узоқ вақт сақланиб қолади, чунки бу элементлар метаболик жihatдан кам фаол ҳисобланади (Гаффаров С.А., 2004).

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, қон таркибидаги деярли барча элементлар назорат кўрсаткичларидан статистик ишонарли равишда фарқ қилмади. Тиш тўқимаси микроэлемент таркиби бўйича ҳам аксарият ҳолатларда худди шундай динамика кузатилиб, К, Са ва Zn элементлари назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришларга учради, яъни К – $100,0 \pm 9,5$, Са – 368000 ± 2681 ва Zn – $130,2 \pm 10,4$ назорат кўрсаткичларига нисбатан мос ҳолда 1,51, 1,14 ва 1,15 марта паст натижалар аниқланди. Шундай қилиб, турли тиш аномалиялари мавжуд болаларда тиш, қон ва

сўлакнинг элемент таркиблари ҳам миқдорий, ҳам сифатий жihatдан бир бирдан фарқ қилади.

1- жадвал

Турли тиш аномалиялари мавжуд болаларда қон, сўлак ва тиш тўқималарининг макро ва микроэлементлар таркибининг ўзгариши

Микро- ва макроэлементлар	Гуруҳ	Қон	Сўлак	Тиш тўқимаси
Cl	Назорат	10700±120	9900±154	1100±85,6
	Болалар	11900±152	11400±142	1480±101
Cu	Назорат	0	20±1,5	0,95±0,05
	Болалар	0	25,6±2,04	1,1±0,03
Mn	Назорат	7,8±0,25	3,3±0,4	2,5±0,2
	Болалар	9,0±0,81	3,0±0,26	1,57±0,35*
Na	Назорат	950±65	21300±185	4500±265
	Болалар	10700±98,6*	28400±160	5980±466*
K	Назорат	7850±651	178250±2601	150,5±8,64
	Болалар	8940±452	166000±1985	100±9,5*
Ca	Назорат	380±25	3500±245	421000±2600
	Болалар	440,5±27,8	3760±254	368000±2681
Br	Назорат	2,8±0,39	95±5,9	0,82±0,04
	Болалар	2,6±0,3	115,2±10,9*	1,0±0,2
Cr	Назорат	0,51±0,3	3,0±0,24	0,07±0,005
	Болалар	0,48±0,03	3,5±0,4	0,11±0,02
Ag	Назорат	0,03±0,003	0,41±0,02	0
	Болалар	0,031±0,001	0,40±0,03	0,001±0,002
Rb	Назорат	4,5±0,27	66±3	0,05±0,004
	Болалар	5,32±0,64	110,1±8,64*	0,55±0,04*
Fe	Назорат	1300±156	150±9,7	18,9±1,25
	Болалар	1600±105	190,8±17,9	10,4±0,92
Zn	Назорат	21±1,7	10,2±1,1	150,4±10,9
	Болалар	19,5±1,24	15,2±1,22	130,2±10,4*


Изоҳ: *- P<0,05 назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончилиги

1-гуруҳдаги болаларда ортодонтик даволаниш вақтида тиш кариесининг тарқалиши 45,3%, 2-гуруҳ болаларида 15,2% ташкил этганлиги аниқланди (1-расм).

Даволаш бошланганидан 2 ой ўтгач, 1 гуруҳ беморларида 39,6 ва 2 гуруҳда кариеснинг тарқалиши 8,2 даражасига тушди. Ортодонтик аппаратлар олиб ташланганидан 6 ой ўтгач, 1-гуруҳдаги кариеснинг тарқалиши кўрсаткичи тушди ва 31,3; 2-гуруҳда - 4,1 ни ташкил этди.

Тиш кариесининг тарқалишдан ташқари, тиш кариесининг интенсивлиги КПУ(т) индекслари томонидан баҳоланди. 2 ва 6 ойдан сўнг КПУ(т) индексининг ўзгариши ва унинг таркибий қисмлари 1-гуруҳ болаларида

ортодонтик даволаниш вақтида кўрсаткичлар билан таққосланганда, уларнинг олиб қўйилмайдиган аппаратлари “BC-Plus” 5 - авлод икки компонентли адгезиви ёрдамида ўрнатилди 1А- кичик гуруҳидаги фақат тиш пастасини профилактика воситаси сифатида ишлатган болаларда ортодонтик даволаниш даврида КПУ(т) кариеснинг интенсивлиги $2,21\pm 0,15$ ни ташкил қилди.



1-расм. Ортодонтик даволаниш даврида ва брекет тизими билан даволашдан кейин 2 ва 6 ойдан сўнг болаларда тиш кариесининг тарқалиши кўрсаткичлари

Индекснинг тузилиши қуйидагича келтирилган: кариесга учраган тишлар сони (К компоненти) $0,72\pm 0,08$ га тенг, пломбаланган (П) - $1,48\pm 0,12$; (У) - $0,62\pm 0,08$.

2 ойдан кейин ушбу болаларда КПУ(т) кўрсаткичи ўзгаришсиз қолди ва 6 ойдан кейин у сезиларли даражада ошди ва $2,21\pm 0,15$ ($p < 0,001$) ни ташкил этди. Индекснинг тузилиши қуйидагича эди: К - $0,72\pm 0,08$; П - $1,48\pm 0,12$; олинган тишлар йўқ эди.

Даволаниш вақтида тиш пастаси билан бир қаторда ишлатилган «R.O.C.S. Medical Minerals» гел 1В- кичик гуруҳидаги болаларда тиш кариесининг интенсивлиги $5,40\pm 0,14$; (К - $1,70\pm 0,35$; П - $2,0\pm 0,18$; У - $1,70\pm 0,35$), ортодонтик даволанишдан кейинги 2 ойдан кейин ўзгаришсиз қолди ва 6 ойдан кейин $4,0\pm 0,13$ ($p > 0,05$; К - $1,70\pm 0,35$; П - $2,30\pm 0,15$).

Тиш пастаси, «R.O.C.S. Medical Minerals» тиш гели ва «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўткадан фойдаланган болаларни ўз ичига олган 1С- кичик гуруҳидаги КПУ(т) индекси даволаш вақтида $3,91\pm 0,26$; (К - $0,73\pm 0,16$; П - $2,45\pm 0,24$; У - $0,73\pm 0,14$). Ортодонтик муолажадан кейинги даволанишнинг дастлабки олти ойида бу кўрсаткич ўзгармади.

Ушбу маълумотлар олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдалангандан сўнг болаларни даволашда 1-гурух, 1А- ($p < 0,05$) ва 1В- ($p > 0,05$) кичик гуруҳларда кариеснинг ўртача интенсивлигининг ошганлигини кўрсатади. 1В-кичик гуруҳида индекс ўзгаришсиз қолди.

2 жадвал

Ортодонтик даволаниш вақтида кўрсаткичларга нисбатан 2 ва 6 ойдан сўнг 2-гурух болаларда КПУ(т) индексидаги ўзгаришлар ва унинг таркибий қисмлари

Кўрик	Даволаш вақтида			2 ойдан кейин			6 ойдан кейин		
	А	В	С	А	В	С	А	В	С
Кичик гуруҳ, №2									
К	0,65± ±0,15	-	0,75± ±0,25	0,65± ±0,15	-	0,75± ±0,25	0,65± ±0,15	0,29± ±0,11*	0,75± ±0,25
П	3,25± ±0,23	1,53± ±0,26	2,19± ±0,47	3,25± ±0,23	1,53± ±0,26	2,19± ±0,47	3,95± ±0,11	1,53± ±0,26	2,19± ±0,47
У	0,55± ±0,15	-	0,45± ±0,25	-	-	-	-	-	-
КПУ	3,90± ±0,12	1,53± ±0,26	2,94± ±0,39	3,90± ±0,12	1,53± ±0,26	2,94± ±0,39	4,60± ±0,17*	1,82± ±0,27*	2,94± ±0,39

Изох: *- $P < 0,05$ даволашгача бўлган натижаларга нисбатан фарқлар ишончилиги

Фақат тиш пастасини профилактик восита сифатида ишлатган болаларда 2-гурух 2А кичик гуруҳидаги КПУ(т) кариесининг интенсивлиги ортодонтик даволаниш вақтида $3,90 \pm 0,12$ ни ташкил қилди. Индекснинг тузилиши қуйидагича эди: К компоненти К - $0,65 \pm 0,15$; П - $3,25 \pm 0,23$, У - 0 (2-жадвал).

2 ойдан кейин ушбу кичик гуруҳ болаларида КПУ(т) индекси ўзгаришсиз қолди ва 6 ойдан кейин $3,90 \pm 0,12$ ($p > 0,05$) (К - $0,65 \pm 0,15$; П - $3,25 \pm 0,23$; У - 0).

Тиш пастаси ва «R.O.C.S. Medical Minerals» гелни тишлар учун ишлатган болаларни ўз ичига олган 2В- кичик гуруҳидаги кариесининг интенсивлиги даволаниш вақтида $1,98 \pm 0,26$; (К - 0, П - $1,53 \pm 0,26$; У - $0,45 \pm 0,25$), ортодонтик даволанишдан кейин 2 ойдан сўнг КПУ – $1,82 \pm 0,27$ га тенг бўлди (К ± 0, П – $1,53 \pm 0,26$; У - 0) ва 6 ойдан кейин $1,82 \pm 0,27$; (К - $0,29 \pm 0,11$; П - $1,53 \pm 0,26$; У - 0).

2С-кичик гуруҳидаги болаларда КПУ(т) индекси, тиш пастаси ва «R.O.C.S. Medical Minerals» гелидан ташқари ортодонтик чўткадан «R.O.C.S. PRO» фойдаланганлар, даволаниш вақтида $3,29 \pm 0,39$; (К - $0,75 \pm 0,25$; П - $2,19 \pm 0,47$; У - $0,35 \pm 0,13$) ташкил этди.

Шундай қилиб, олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар олиб ташлангандан кейинги биринчи 6 ой ичида 2 гуруҳ 2А ва 2В- кичик гуруҳлари болаларида КПУ(т) индексининг бироз кўтарилиши қайд этилган ($p > 0,05$). Ушбу 2 гуруҳнинг 2С-кичик гуруҳидаги ушбу кўрсаткич ўзгармади.

Брекет тизими олиб ташланганидан кейин 6 ой ўтиб тиш кариесининг интенсивлиги динамикаси ва профилактика агентлари, жумладан терапевтик ва профилактик паста, «R.O.C.S. Medical Minerals» гелдан ва «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўткадан фойдаланилганда 1 ва 2 гуруҳ болаларида КПУ(т) индекси даражаси катталашмаганини кўрсатди.

Тишларнинг ўчоғли деминерализацияси мавжудлиги даволаниш вақтида, олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратларни олиб ташланганидан кейин 2 ва 6 ой ўтиб баҳоланди.

Брекет тизими икки компонентли 5 – авлод адгезиви “BC– Plus” устига қотирилганда болаларда тишлардаги деминерализация ўчоқлар сонини баҳолаш, қуйидагиларни кўрсатди: ортодонтик даволаниш вақтида ўчоғли деминерализация оғиз бўшлиғи гигиенаси воситаси сифатида тиш пастасини ишлатган бешта болада кузатилди (1А- кичик гуруҳ). Ушбу кичик гуруҳда олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар олиб ташланганидан 2 ой ўтгач 8 та болада ($p>0,05$), 6 ойдан кейин - 13 болада ($p<0,05$) тиш эмалида доғлар кузатилган.

«R.O.C.S. Medical Minerals» гел ва тиш пастасини ишлатган 1В- кичик гуруҳидаги болаларда ўчоғли деминерализация даволаниш вақтида 10 болада, 11 болада - 2 ойдан кейин ($p<0,05$) ва 9 та болада - 6 ойлик ортодонтик даволанишдан сўнг кузатилган ($p>0,05$).

Тишпастаси, «R.O.C.S. Medical Minerals» гелига қўшимча равишда «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўткадан фойдаланган 1С- кичик гуруҳи болаларида даволаниш вақтида, 6 та болада оқ доғлари қайд этилган. Ўрнатилган аппаратни олиб ташлаганидан кейин 2 ой ўтгач, деминерализация ўчоқлари бўлган болалар сони ўзгаришсиз қолди. 6 ойдан сўнг, ушбу кичик гуруҳда тиш эмалидаги оқ доғлар 4 та болада қайд этилди ($p>0,05$).


Шундай қилиб, даволаниш вақтида эмалнинг дастлабки зарарланиш ўчоқларининг ўртача сони $0,51\pm 0,12$ ни ташкил этди, 2 ойдан ва 6 ойдан кейин $0,47\pm 0,12$ ва $0,35\pm 0,11$ га тушди ($p<0,05$).

Олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар “BC-Plus” 5 - авлодга мансуб икки компонентли адгезив восита билан 1А - кичик гуруҳида, терапевтик даволаниш бошланганидан 2 ой ўтгач 7 та болада учраб, 6 ой ўтгач деминерализация ўчоқларининг ўртача сонининг сақланиб қолгани қайд этилди.

1В - кичик гуруҳидаги болаларда ортодонтик даволаниш вақтида тиш эмалини деминерализация ўчоқларининг ўртача миқдори $0,65\pm 0,12$ ни ташкил этди, мос равишда 2 ва 6 ойдан кейин $0,48\pm 0,12$ ($p>0,05$) ва $0,53\pm 0,10$ га тенг бўлди.

1С - кичик гуруҳидаги болаларда ҳам вақт ўтиши билан тиш эмалидаги оқ доғларнинг ўртача сони кескин ортган. Даволаниш вақтида $0,85\pm 0,19$ ни ташкил қилди, 2 ойдан кейин $0,75\pm 0,20$ гача ($p>0,05$), брекет тизимини олиб ташлаганидан олти ой ўтгач $0,78\pm 0,20$ ($p<0,05$ бошланғич кўрсаткичга нисбатан) кўпайган.

7 - авлод бир компонентли “U-Bond” кислота таъсирсиз адгезив ёрдамида олиб кўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар ўрнатилган тиш эмалини деминерализация ўчоқлари бўлган болаларнинг сони алоҳида баҳоланди.



2-расм. 7 авлод “U-Bond” кислота таъсирсиз бир компонентли адгезив билан фойдаланилган болаларда деминерализация ўчоқларининг ўртача сони, ТЭР-тест натижалари.

2А - кичик гуруҳида даволаниш вақтида 5 та болада эмалда оқ доғлар кузатилган бўлса, аппарат ечилгач 2 ой давомида даволанишдан сўнг, шу патологияли болалар сони 4 тани ташкил қилди ($p>0,05$) ва терапевтик даволаниш бошланганидан 6 ой ўтгач бу кўрсаткич сақланиб қолди.

Ушбу гуруҳнинг 2В - кичик гуруҳида 9 болада ортодонтик даволаниш вақтида ўчоғли деминерализация аниқланган бўлиб, олинмайдиган ортодонтик аппаратлар олиб ташланганидан 2 ойдан сўнг 6 болада доғлар кузатилди ($p>0,05$) ва 6 ойлик терапевтик профилактикадан кейин – 3 та болада кузатилди.

Олиб кўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар “U-Bond” кислота таъсирсиз тежамкор 7 - авлодга мансуб бир компонентли адгезив восита билан 2А - кичик гуруҳида, терапевтик даволаниш бошланганидан 2 ой ўтгач, деминерализация ўчоқларининг ўртача сонининг камайиши қайд этилди.


Шундай қилиб, даволаниш вақтида эмалнинг дастлабки зарарланиш ўчоқларининг ўртача сони $0,35\pm 0,10$ ни ташкил этди, 2 ойдан ва 6 ойдан кейин $0,30\pm 0,11$ ва $0,21\pm 0,11$ га тушди ($p>0,05$).

2В - кичик гуруҳидаги болаларда ортодонтик даволаниш вақтида тиш эмалини деминерализация ўчоқларининг ўртача миқдори $0,24\pm 0,12$ ни ташкил этди, мос равишда 2 ва 6 ойдан кейин $0,18\pm 0,12$ ($p>0,05$) ва $0,18\pm 0,10$

га тенг бўлди. 2В - кичик гуруҳидаги болаларда бўлгани каби, 2С - кичик гуруҳидаги болаларда ҳам вақт ўтиши билан тиш эмалидаги оқ доғларнинг ўртача сони кескин камайган. Даволаниш вақтида $0,25 \pm 0,19$ ни ташкил қилди, 2 ойдан кейин $0,19 \pm 0,20$ гача ($p > 0,05$), брекет тизимини олиб ташлаганидан олти ой ўтгач $0,08 \pm 0,20$ ($p < 0,05$ бошланғич кўрсаткичга нисбатан) камайган.

Шундай қилиб, тиш пастаси ишлатилган кичик гуруҳларда ўртача 6 ойлик ортодонтик даволанишдан сўнг деминерализация ўчоқлари сони 1,83 барабар кўпайди, тиш пастаси ва «R.O.C.S Medical Minerals» гел ишлатилганда 1,54 барабар камайди, «R.O.C.S. Medical Minerals» гел ва «R.O.C.S. PRO» ортодонтик чўтка комбинацияси ишлатилганда эса - деминерализация ўчоқлари сони 1,83 барабарга камайди.

5 - авлодга тегишли икки компонентли адгезив “BC-Plus” билан фойдаланилган болаларнинг гуруҳида ортодонтик даволаниш вақтида РНР кўрсаткичи $0,79 \pm 0,08$ (3-расм), брекет тизимини олиб ташланганидан 2 ой ўтгач сезиларли даражада 1,59 га кўтарилди ($p < 0,05$), ярим йилдан кейин эса $1,45 \pm 0,15$ гача пасайган (дастлабки натижаларга нисбатан $p < 0,05$).




3-расм. Олинмайдиган ортодонтик аппаратлар билан даволангандан 2 ва 6 ойдан кейин РНР индекси кўрсаткичларининг ўзгариши

